



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь куни давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тўлиқ бажариш, 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш, пахта-тўқимачилик соҳасида кластерларни жорий этишни жаддалштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги йиғилишимизда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифа ва мақсадли параметрларни бажариш ҳолатини муҳокама қилиб, яна қўшимча резервларни ишга солиш чораларини кўришимиз, йил якунигача 3,5 ой вақт бўлса-да, келгуси йил режаларини ҳозирдан оқибатда олишимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Чунки иқтисодий ўсиш — бу биринчи навбатда янги корхоналарни қуриш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, инфляция ва нархларни жиловлаш ҳамда одамларни иш билан таъминлаш деганидир.

Биз бу борада охириги 2 йил мобайнида жуда улкан ислохотларни, кўплаб йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширдик ва давом эттирмаймиз. Ушбу устувор вазифаларни ва фуқароларимиз ҳаётини янада яхшилаш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришимиз учун республика ва маҳаллий бюджетларга қўшимча даромадни кўпайтиришимиз зарур.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш учун қабул қилинган инвестиция дастурларини изчил амалга оширишимиз керак.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш учун етарли валюта тушумини

таъминлаш, бунинг учун маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг экспортини кўпайтиришимиз даркор. Қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда шу борада амалга оширилган ишлар натижалари таҳлил қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Президентимизнинг жорий йил бошида берган топшириғига мувофиқ, бюджетга қўшимча даромад тушириш бўйича резервлар излаб топилиб, уларни сафарбар қилиш чоралари кўрилган эди. Бунинг натижасида 8 ойда давлат бюджетига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоиз кўп даромад туширилди. Жумладан, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг ўсиши 22 фоизни ташкил этди.

Шавкат Мирзиёев қўшимча даромадларни янада ошириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб, мутасаддиларга бу борада аниқ манбалар ва чора-тадбирларни белгилаш бўйича топшириқлар берди.

Маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолаётган қўшимча даромадларни самарали ва мақсадли сарфлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда жорий йилнинг 9 ойи ва йил якуни бўйича белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга

эришиш, нарх-наво ўсишининг олдини олиш, инвестицияларни ўзлаштириш, экспортни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари мақсадли ва прогноз параметрларига эришишда муаммо мавжуд бўлган соҳа ва тармоқларда ишларни жаддалштириш, белгиланган кўрсаткичларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда ишга туширилиши мўлжалланган объектларни фойдаланишга топшириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинди.

Ҳар бир инвестиция лойиҳасини кўриб чиқиб, қолоқлик мавжуд бўлганларини жаддаллаштириш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришни тезроқ бошлаш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, 2019 йилги инвестиция дастури лойиҳасини шакллантиришни якунлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жаддал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, энди жойларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга тўқинлик қилаётган муаммоларни ечиш, уларни жаддаллаштириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади. Ҳар бир ҳудудга ишчи гуруҳлар бориб, жорий йил охиригача лойиҳа тақдидан тортиб, то уни амалга оширишгача бўлган жараёнда маҳаллий ҳокимликлар ва ташаббускорларга кўмаклашади.

Йиғилишда ушбу ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Экспорт масаласи муҳокама

қилинар экан, 9 ой якуни билан экспорт ҳажми 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоиз ошдиш кутилаётгани қайд этилди. Президент ҳар бир экспортчи корхона ва экспорт қилинадиган маҳсулот тури бўйича кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишни таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Такрорий экинлардан қутилаётган 607 минг тонна экспортбон маҳсулотлар, шунингдек, сентябрь-октябрь ойларида иссиқхоналарда етиштирилаётган сабзавотни экспорт қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бозорларда нархлар ошишига йўл қўймастик зарурлигини таъкидлаб, 501 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захира қилиш ва уларни қиш-баҳор ойларида халқ эҳтиёжига мутаносиб равишда ички бозорга чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда 20 та туманда 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштириш йўлга қўйилиб, бу тажриба дастлабки натижаларини бера бошлади.

Илгари марказлашган маблағлар ҳисобига бажарилган мелiorация ва ирригация ишлари, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш каби тадбирларни эндиликда кластерлар ўз маблағлари ҳисобидан бажараяпти. Томчилатиб ва пластик қувурлар орқали суғоришда ҳам кластерлар илгор.

Энг муҳими, кластерлардаги пахта ҳосилдорлиги бошқа фермер хўжалиқларига нисбатан 5-10 центнер юқори бўлиши кутилмоқда.

Узини оқлаётган бу тизимни янада кенгайтириш мақсадида

қилиб тушган тақлифлар кўриб чиқилиб, ишлаб чиқариш қувватлари ва молиявий имконияти мавжуд бўлган 44 та ташаббускор ташаббусли. 2019 йилда 61 та кластер томонидан жами пахта майдонларининг 51 фоизиди пахта етиштириш режалаштирилмоқда.

Келгусида пахта етиштирувчи 133 та тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Янги ташкил этилаётган кластерлар томонидан 41 та корхона ташкил этилиб, 23 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Янги қувватларни ташкил этиш ва кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш натижасида, 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 78 фоизи ўзимизда қайта ишланади. Бу 2017 йилга нисбатан 2 мартаба кўп дегани. 2020 йилга бориб, пахта толасини тўлиқ қайта ишлашга ўтилади. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилади.

Шунинг учун кластерлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур. Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жаддал ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда пахта-тўқимачилик кластерларига берилган барча имтиёزلарни кейинги йилларда ташкил этиладиган кластерларга ҳам татбиқ этиш, кластерлар фаолиятини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

2019-2023 йилларда қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш тизимини босқичма-босқич жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш, соҳага халқроқ молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 12 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқроқ аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Беларусь Президенти Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу муҳташам майдон Ўзбекистоннинг тинчликсевар сийбосини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ташриф дастуридан Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги «Амқодор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилиш маросими, «Беларусда ишлаб чиқариш» миллий кўргазмаси, шунингдек, атоқли беларус адиби Якуб Колас хотирасига атаб бунёд этилган ёдронлиги ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама

қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.


Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқроқ сийбосининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бағишлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ташриф дастуридан Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги «Амқодор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилиш маросими, «Беларусда ишлаб чиқариш» миллий кўргазмаси, шунингдек, атоқли беларус адиби Якуб Колас хотирасига атаб бунёд этилган ёдронлиги ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама

ЎЗА

СЎЗ — АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА



ТУРЛИ ХАЛҚЛАР МУСИҚАСИНИ БИР САҲНАДА ЖАМ ҚИЛГАН АНЖУМАН

Шахрисабзда ўтказилган Халқроқ мақом санъати анжуманини хориқлик хонандою созандалар, муסיқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, журналистлар, сайёҳлар катта қизиқиш билан кузатди. ЎЗА мухбирлари анжуман иштироқчиларидан айримларининг таассуротларини ёзиб олди.

Ражеш ШОХ, ҳакам (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Албатта, таассуротларим жуда катта. Шахрисабз гоё гўзал шаҳар экан. Унда мен мана шу чиройли манзарога ҳамоҳанг муסיқий муҳитни кўрдим. Анжуманда иштироқ этган одам ҳавода ҳам мақом ҳидини туюши мумкин бўлган муҳит яратилди. Бизда ҳам рага муסיқий санъат тури бор, мақом йўналишига жуда ўхшаб кетади. Қизиги шундаки, уларнинг тарихи бир хил. Раганинг вокал, чолғу соҳаси ҳам мақомга жуда ўхшаيدди.

Соҳиб ПОШШОЗОДА, ҳофиз (Озарбайжон):

— Азалдан ўзбек мақоми ва озарбайжон муғоми бир-бирини бойитиб келган. Бугун ҳам икки санъат ҳамоҳанг ривожланмоқда. Бу анжуман туркий халқлар муסיқаси жаҳонга кенг ёйилиши ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида катта аҳамиятга эга.

Тантананда эътиборимни тортган жиҳат ўзбек чолғуларининг бошқа халқлар созларидан тубдан фарқ қилиши бўлди. Ўзбек чолғуларининг ясалishi ўта мураккаб ва тақорланмас экан. Шунинг учун ҳам ундан таралаётган куй нафис ва оҳангдор. Дутор, най, рубоб дастохларига берилган жимжимадор нақшлар, миллийлигинингизни англатувчи кичик тимсоллар ҳам кишига эстетик завқ бағишлайди.

Рамин СОҚИЗОДА, созанда (Афғонистон):

— Ўзбекистондай тинч, гўзал юртва байрамлар ярашади. Сўлим гўшада бўлиб ўтаётган Халқроқ мақом санъати анжумани мени ҳам тўлқинлантириб юборди, бу юртва қизиқшим янада орди, ҳавасим келди. Тошкентда кўп бўлганман, аммо Шахрисабзга биринчи бор келишим. Қасбимиз ортидан дунё кўраямиз. Биз ҳам туркий халқлар мақом санъатининг дунёда кенг қулоқ ёйиши учун ўз ҳиссамизни қўшимиз — бу бахт. Дунёнинг нодир санъат намунаси бўлиши мақомини ўз ҳолича авлодларга етказмоғимиз керак. Бунда эса мана шундай анжуманларнинг ўрни бекиёс.

Дале МАСКЕЛЛ, Крад МЕДОГАН, сайёҳлар (Австралия):

— Ўзбекистон жуда ажойиб мамлакат. Гўзал ва бетакрор шаҳарларинингиз кўп экан. Айниқса, Шахрисабзда ўтган мақом анжуманидан унутилмас таассуротлар олдиқ. Амир Темур ватани, Оқсарой меъморий обидаси ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Сайёҳларнинг кўплигини қаранг, жаҳонда Ўзбекистон билан қизиқувчилар кўплигининг далили бу. Канберри шаҳридаги илмий-тадқиқот университетида ишлаймиз. Ўз таассуротларимиз ҳақида ҳамкасбларимиз ва юртовдшларимизга сўзлаб берамиз.

ЎЗА мухбирлари
Ўлмас БАРОТОВ, Дилобар МАМАТОВА
ёзиб олди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Сурхондарёлик партиядош- ларимиз, депутатлар газета ўқимайдими?

Обунани намунали ташкил қилиш учун ўтган йили Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан маҳсул дастур ишлаб чиқилган эди. Унда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига икки нусхадан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари эса бир нусхадан йиллик обуна бўлишлари тавсия қилинганди.

Хўш, натижа қандай бўлди? Тўғриси айтганда, қўзланган мақсадга эришолмадик. Вилоят бўйича газеталаримизга партия ташкилотларида 1400 нусха «Ўзбекистон овози»га 1000, 400 нусха «Голос Узбекистана»га обуна расмийлаштирилиши кўзда тутилган эди. «Ўзбекистон овози» режаси — 50-55, «Голос Узбекистана» эса 35-40 фоизга уддаланди, холос.



300 га яқин иш ўрни яратилди

Андижон вилояти Избоскан туманида пахта ни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади.

«Digital Prime Textile» МЧЖ тасаруфидоги мазкур корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда пахта хомашисидан йилга 12 минг тонна сифатли калава ил тайёрлаш имконияти мавжуд. Лойиҳа амалга оширилиши билан 300 га яқин иш ўрни яратилди.

Суратларда: Андижон вилояти Избоскан туманида иш бошлаган пахта ни қайта ишлаш корхонасида.

ЎЗА фотомухбири Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар.

БУРЧГА САДОҚАТ ВИЖДОНАН ИШЛАШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, айниқса, матбуот саҳифаларида маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни бажармаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирила бошланди. Тўғри, катта-катта ваъда бериб, амалда муносиб иш қилмаётганлар ҳам бор.

Аммо эл-юрт манфаати йўлида фидойи бўлиб хизмат қилаётган депутатларимиз оз эмас. 2014 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгашига депутат этиб сайланган Муроджон Ҳайитовдан сўзловчилар мамнун. «Одамларнинг ишончи — улуг мукофот», «Рост гапирсак — барака топамиз», деган сўзлар унинг ширинлиги айланган.

Муроджон Ҳайитов ўз фаолиятини сайлов округидаги муаммоларни чуқур ўрганишдан бошлаган эди. Энг долзарб муаммолар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, босқичма-босқич дастурларга киритиб берди. Уч ярим йиллик фаолияти доирасида фуқаролардан тушган 350 га яқин муаммонинг 70 фоизини ижобий ечимига эришди. Қолгани бўйича мутахассислар кўмағида малакали тавсиялар берилган.

Депутат шу кунга қадар 12 масалани сессия, 18 масалани доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқди. Шунингдек, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашни ўз назорати олдди. Ушбу масалалар орасида аҳолини иш билан таъминлаш, тиббиёт

соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш ва тиббиёт муассасаларини янги техник ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, таълим сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларида савдо терминалларини мунтазам ишлашни таъминлаш каби долзарб масалалар ўзининг ижобий ечимини топа бошладди.

Туман Кенгаши депутати сифатида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари билан мурожаат қилиш асосида ўз сайлов округида 750 га яқин фуқарони бепул тиббий куридан ўтказиш ва ҳомийлар ёрдамида бепул дори-дармонлар, 60 нафарга яқин фуқарони иш билан таъминлашга эришди. Шунингдек, 46 нафар эҳтиёжманд оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари акратилишига кўмаклашди. Ўз тадбиркорлигини бошлаш истагини билдирган 20 нафар фуқарога тижорат банкларида кам фойзли кредитлар олишга ёрдам берди.

2018 йил халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайловда энг кўп овоз билан 8-Наврўз сайлов округидан Сирдарё вилоят Кенгаши



Муроджон Ҳайитов, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси.

депутати этиб сайланган Муроджон Ҳайитовнинг ваколат доираси янада кенгайди. Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарорига асосан вилоят ҳамда туман сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятини ташкил эта бошладди.

Жорий йилда сайлов округи ҳудудида жойлашган Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик компаниясига қарашли «Сардоба темир йўли» агро-саноат мажмуаси унитари қорхонаси билан ҳамкорликда Мирзаобод туманидаги «Навбахор» маҳалласида болалар учун футбол майдони ва болалар ўйингоҳи қурилиши

бошланди. Туманининг «Тинчлик» маҳалласида эски давлат санитария эпидемиология марказининг бўшаб қолган биносини болалар боғчасига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Сектор раҳбари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, муаммони ижобий ечим топишга эришди. Ҳозир мазкур бинода таъмирлаш ишлари кетяпти.

Тумандаги «Богистон» маҳалласида аҳолининг чорва моллари учун 6 гектар яёлов ажратиш масаласи депутатнинг аралашуви билан ҳал этилди. Бундан боғистонликлар жуда мамнун. Маҳалланинг 3 кўчасидан оқиб ўтувчи коллектор кўп йиллар давомида тозаланмасдан кўмилиб кетгани оқибатида, қишлоқ-

2018 йилнинг январь ойида 46 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. Қишлоқдан вилоят марказига қатновчи автобус йўқ эди. Ҳозирда иккита автобус қатнови депутатнинг саъй-ҳаракати билан йўлга қўйилди.

нинг бир қисмида хонадонлар атрофини сув босиб, уйларга жиддий зарар келтириётган эди. Депутат бу муаммонинг ҳам тезда ечимини топишга киришди. Сув ҳужалиги вазирига мурожаати натижасида 0,6 километрик масофадаги зовур тозаланиб, сизот сувлар сатҳи пасайтирилди.

«Узтрансгаз» акциядорлик жамияти бошқарувига юзборган мурожаати асосида Мирзаобод тумани Наврўз шаҳарчасидаги Маърифат ва Истикбол кўчаларига табиий газ келтирилди. Бобур кўчасида яшовчи аҳолини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига қилинган мурожаат орқали ҳал этилди.

Депутат куйи масъул ташкилот раҳбарларининг жавобидан қониқмаса, вилоят, республика миқёсидаги идораларга мурожаат этади. Масала ижобий ечимини топмагача тинчимасди.


Мирзаобод тумани «Навбахор» маҳалласида яшовчи Сайдулла Маматқулловнинг таъкидлашича, авваллари одамлар депутат деган сўзни эшитар, аммо ўзини кўрмас экан. Унинг

ўғли Шариф Маматқуллов юрак парогини билан тутилган. У ўғлини нафақага чиқариш учун 8 йил турили идораларга мурожаат қилган. Ҳеч удрасидан чиқолмаган, депутатдан ёрдам сўраган. Депутат бир ой ичида тегишли давлат органларига бир неча тозаланиб, сизот сувлар сатҳи пасайтирилди.

Муроджон Ҳайитов айти мурожаати асосида Мирзаобод тумани Наврўз шаҳарчасидаги Маърифат ва Истикбол кўчаларига табиий газ келтирилди. Бобур кўчасида яшовчи аҳолини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига қилинган мурожаат орқали ҳал этилди.

Муроджон Ҳайитов айти мурожаати асосида Мирзаобод тумани Наврўз шаҳарчасидаги Маърифат ва Истикбол кўчаларига табиий газ келтирилди. Бобур кўчасида яшовчи аҳолини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига қилинган мурожаат орқали ҳал этилди.

Муроджон Ҳайитов айти мурожаати асосида Мирзаобод тумани Наврўз шаҳарчасидаги Маърифат ва Истикбол кўчаларига табиий газ келтирилди. Бобур кўчасида яшовчи аҳолини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига қилинган мурожаат орқали ҳал этилди.



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиш тарихи: миллий ва хорижий тажриба» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Етакчи масъулияти

Унда партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва туман кенгаши масъул ходимлари, мутахассислар иштирок этди.

Таъкидландики, сиёсий партиялар вакиллари ҳамма бир қадам олдинда юриши ислохотларга ҳамнафас бўлиши керак. Партия аъзоси бўлиш бу шунчаки гувоҳнома олиш эмас, балки атрофидегилари, яқинлари, умуман, аҳоли олдида бурч ва масъулияти юқори шахс эканини унутмаслиги зарур.

— Сиёсий партиялар илгари сураётган гоёлар, амалга ошираётган ишлари жамиятда эътироф этилиши энг аввало, бошлангич ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ, деб ўйлайман, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши Бошлангич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори муdiri Ақмал Турсунбоев. — Бироқ жойларда айтилаётган, кўп таъкидланаётган фикрлар фикрлигича қолиб кетаётгани ачинарли ҳол. Аслида, асосий бўлган алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошлангич ташкилот етакчиси салоҳиятли, ташаббускор бўлиши зарур. Акс ҳолда уринишларимиз бесамар кетаверади. Етакчининг лидерлик қобилияти, одамларни ишонтириш ва партия голларига эргаштира олиш хусусияти ўзи нафақат унинг, балки сиёсий партиянинг ҳам обрўсини белгилайди.

Марказда барча йўналишда фаол иш олиб борилади. Негаки, маълум соҳалар бўйича алоҳида гуруҳ шугулланади. Режалар, лойиҳалар тузилади. Аммо жараён бошлангич ташкилотда ҳам бирдек давом этмайди. Негаки, бошлангич ташкилотларда бутун бир гуруҳ бажараётган вазифаларни бир-икки киши бажаради, холос. Бу эса иш сифатига таъсир этмасдан қолмайди.

Ушбу масалада бир таклифим бор. Бошлангич партия ташкилотлари билан ишлашда хорижий тажрибани ўрганиш ва мақбулларини ўзимизда жорий этиш керак. Масалан, ривожланган мамлакатларда сиёсий партиялар қўшидаги бошлангич ташкилотларда махсус клублар фаолият олиб боради. Уларга шунчаки аъзо бўлишнинг имкони йўқ. Бунинг учун фуқаронинг билими, салоҳияти, тафаккур доираси синовдан ўтказилади.

Семинарда Тошкент давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчиси Зоҳиршоҳ Жўраев маъруза қилди. У ривожланган давлатларда кўппартиявийлик тизими, унинг ҳуқуқий асослари, фаолиятининг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтди. Бу борада узоқ йиллик тажрибага эга давлатлардаги сиёсий партияларнинг фаолияти ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, ЎзХДП фахрийси, «Ватан» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Бўришоҳ Шодиева сўзга чиқиб, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг ташкил этиш жараёни ҳақида гапириб берди. Партия обрўсини янада кўтариш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Электротар вакили уйли бўлди

— Иккинчи гуруҳ ногирони Зулфия Қожаметова кўп йиллар давомида ижарада яшаб келарди, — дейди «Естебос» маҳалла фуқаролар йигини раиси Тимур Жумамуратов. — Дастлаб, вақтинча яшаш учун бошлана қилиб берилди. Аёлга жамоатчилик асосида ёрдамчи ҳам бириктириб қўйилди. Бироқ бу масаланинг тўлиқ ечими бўла олмасди. Шунинг учун, унга депутатлар аралашуви зарур эди.

Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Алишер Реймов Нукус шаҳар ҳокимига, шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фондида бу масалани ўрганиб чиқиш учун депутатлик сўрови юборди.

— Сайловчилар билан доимо мулоқотда бўлиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабар олиш депутатнинг кундалик вазифаларидан бири ҳисобланади, — дейди Алишер Реймов. — Янгида Зулфия Қожаметованинг уй-жойи йўқлиги ҳақида билдик. Бу зудлик билан халқ қилиниши керак бўлган масала эди. Кечиктирмасдан тегишли идора ва ташкилотларга депутатлик сўрови юбордим. Нукус шаҳар ҳокимияти томонидан ташкил этилган махсус комиссия унинг шaroитини ўрганиб, уй-жойга муҳтожлар рўйхатиغا киритди.

Мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллик байрам арафасида Зулфия Қожаметованинг орузи ушланди. Армон билан яшаб келаётган аёлнинг кўзларида бахт ва қувонч ёшлари милтиллади. Барча шароитга эга уйнинг бепул берилгани унинг одамларга, ислохотларга бўлган ишончини оширганини таъкидлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Сурхондарёлик партиядошларимиз, депутатлар газета ўқимайдими?

Глобаллашуве жараёнида яшаймиз. Бугунги тезкор ва шиддатли замонни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сиёсий партиялар учун эса, албатта, партия матбуоти муҳим аҳамиятга эга. Жойлардаги партия ташкилотлари иш тажрибаси, депутатларимиз фаолияти, таклифлари, партияимизнинг Олий Мажлисидаги фракцияси, ЎзХДП Марказий Кенгаши тадбирлари, қарор ва тавсиялари ҳақида асосан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари орқали билиш мумкин. Бунинг учун аввало, партия нашрларида обуна бўлиш керак, албатта. Партия фаоллари, аъзолари ўз партиялари нашрларида обуна бўлмаслиги эса биринчидан, партия фаолиятини беҳабарликни, ўраниш, изланишга қизиқиш сустлигини, сиёсий билим етарли эмаслигини билдиради.



Бу масалада Сурхондарёдаги аҳвол билан танишишга ҳаракат қилдик.

— Ҳозирги кунда воҳада 13 туман, бир шаҳар Кенгаши фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Маъжуда Ҳасанова. — 37 минг нафардан ортиқ аъзонини бирлаштирган 670 га яқин бошлангич партия ташкилоти бор. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида Ўзбекистон ХДПдан сайланган 19, туман ва шаҳар Кенгашилари эса 126 нафар депутат иш олиб бормоқда.

Обунани намунали ташкил қилиш учун ўтган йили Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган эди. Унда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари масъуллари «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарига икки нусхадан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари эса бир нусхадан йиллик обуна бўлишлари тавсия қилинган.

Хўш, натижа қандай бўлди? Тўғриси айтганда, қўзланган мақсадга эришилмади. Вилоят бўйича газеталаримизга партия ташкилотларида 1400 нусха «Ўзбекистон овози»га 1000, 400 нусха «Голос Ўзбекистана»га обуна расмийлаштирилгани кўзда тутилган эди. «Ўзбекистон овози» режаси — 50-55, «Голос Ўзбекистана» эса 35-40 фоизга удраланди, холос.

Тўғри, Денов, Жарқўрган, Қумқўрган туманлари ҳамда Термиз шаҳрида бу борадаги кўрсаткичлар яхши. Аммо Шеробод, Сариев, Музработ, Қизирқ туманларида «Ўзбекистон овози»га 7-13 та, «Голос Ўзбекистана»га эса бор-йўғи 3-8 нусхадан обуна ташкил қилинди...

Маҳаллий Кенгашлардаги 145 нафар депутатимизнинг қўнчилиги ташаббускор ва фидойи инсонлар ҳисобланади. Халқнинг дарду ташвиши билан яшаётган сафдошларимиздан фахрланамиз, албатта. Лекин Сариев, Шеробод, Музработ ва Қизирқ туманларидаги аксарият депутатлар ярим йилга обуна бўлгани ёки айримлари обуна бўлишни умуман унутиб қўйгани маълум бўлди.

Худудлардаги ҳолатни ўрганиш мақсадида вилоят марказидан қарийб 200 километр олдига жойлашган Сариев туманида бўлдик. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши партияимиз нашрларида икки нусхадан обуна бўлган экан.

— Халқ депутатлари туман Кенгашида 8 депутатимиз фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Сариев туман кенгаши раиси Рустам Рамазонов. — Уларнинг барчаси «Ўзбекистон овозини», 5 нафари эса «Голос Ўзбекистана»ни олапти. Маъжуд 41 бошлангич партия ташкилотининг аксариятида обуна ташкил қилинган. Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон овози»га 31 нусха, «Голос Ўзбекистана»га 7 нусха обуна расмийлаштирилган.

Унинг маълумотлари кишини қувонтиради, албатта. Аммо Сариев туман «Матбуот тарқатувчи» шўба қорхонаси ва «Сариев почта» алоқа тармоғидан олинган маълумотда эса бунинг аксига гувоҳ бўлдик. Ҳозирги кунда туман бўйича «Ўзбекистон овози»га ҳаммаси бўлиб 11 нусха, «Голос Ўзбекистана»га эса 2 нусха обуна борлиги аниқланди. Газеталар туман ҳокимлиги, Маиший хизмат

кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Узун давлат ўрмон ҳўжалиги, «Сурхон телеком» Сариев туман бўлими, ҳарбий қисм, Муруват уйи ва Ўзбекистон ХДП Сариев туман Кенгашига етказиб берилаётган экан. Бу эса сариевлик депутатлар ва фаолларимизнинг кўпи партия нашрларини ўқимаслигини даъволат беради. Депутат газеталарга обуна бўлиш орқали ўзи аъзо бўлган партия бугунги кунда қандай ишлар билан бандлигини, мамлакатда олиб борилаётган сиёсат ва ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишади. Бошқа депутатларнинг намунали ишларидан хабардор бўлиб, ўз фаолиятига баҳо беришни ўрганади.

Ўзбекистон ХДП Шеробод туман Кенгашида эса бу борада аҳвол янада ачинарли. 2018 йил учун туманда барча соҳалар бўйича жами 13 нусха обуна расмийлаштирилган, холос.

— Шу йилнинг июнь ойида иш бошладим, — дейди Ўзбекистон ХДП Шеробод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Икром Бўринов. — Тўғриси айтганда, муаммолар тўпланиб қолган экан. Ўрганишлар давомида туман Кенгаши сессияларига долзарб масалалар киритилмагани аниқланди. «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотлари фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилганини тан олиш керак. Шу билан бир қаторда обунага ҳам панжа ортидан қаралганини инкор қилиб бўлмайди. Туманда 31 бошлангич партия ташкилоти, 2 минг 800 дан ортиқ партиядошнинг бор. Туман Кенгашида 10 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Обуна режаси эса 10-21 фоизга бажарилгани ачинарли, албатта. Муаммога

ечим топиш учун ҳозирданок ишга янгича муносабат ва ўзгача масъулият билан ёндашаймиз...

— Тўғри, бепаро фаолларимиз бор, — дейди Ўзбекистон ХДП Жарқўрган туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Алишер Маматмуродов. — Бир гап бўлар, қабилида иш юритаётган масъуллар лойқид депутатлар учрайди. Энди кечаги кун билан яшаб бўлмаслигини ҳис қилишимиз керак. Бунинг учун матбуот бизга яқин кўмакчи бўлишига ишонамиз. Бизда 14 нафар депутатнинг барчаси обуна бўлган. Туманимизда жами обуна 150 нусхага яқин. Келгуси йилда уларнинг сони 170 тага етиши кўзда тутилган.

— Яқин-яқинча матбуотда танқидий-тахлилий чиқишлар жуда кам бўлган, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Баҳодир Тоғаев. — Юрдошларимизни қийнаётган масалалар даярли кўтарилмасди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўзбек матбуоти ҳақиқий маънода туртинчи ҳокимият макромига эга бўлиш учун курашмоқда. Бугун камчиликлар рўй-рост гапирилмоқда.

«Ўзбекистон овози»да Хоразм, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан қатор танқидий-тахлилий мақолалар берилди. Партиявий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги чиқишларда ҳам давр руҳини сезиш мумкин. Бу қувонарли, албатта. Аммо биз томошабин бўлмасдан бу жараёнларда фаол қатнашимиз керак.

Жойларда матбуот нашрларини ўқувчиларга етказиб бериш ва сотувчи йўлга қўйиш борасида ҳам оғирлиқ нукталар борлигини кўз юмиб бўлмайди. Бу эса муштарийларнинг кундалик матбуотга бўлган ишончининг йўқотмоқда, ҳақиқий эътирозларга сабаб бўляпти.

— Етими ёшдаман, — дейди Денов туманининг «Меҳнатобод» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдусамид Бобоносов. — «Ўзбекистон овозини» кўп йиллардан буён мутлоқ қиламан. Ўтган йили обуна бўлмагани учун туман марказида жойлашган газета-журнал сотиладиган шохобчага қатнаиман. Баъзан сотувчи «Ўзбекистон овози» сотилиб кетганини айтади. Бошқасида эса партия нашрлари йўқ экан. Наҳотки олис ҳу-

дудларда газета-журнал савдосини намунали ташкил қилиш имконияти бўлмасми?!

— Ютқ бор жойда камчилик бўлиши табиий, — дейди Денов туман «Матбуот тарқатувчи» шўба қорхонаси бошлиғи Нормамат Жумаев. — Ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда муаммоларни бартараф қилаймиз. Ҳафтинга душанба, чоршанба ва жума кунлари 40 номдан ортиқ 12 минг нусхага яқин газета-журнал қабул қиламиз. Унинг асосий қисми обуначиларга етказилиб, қолгани сотувага чиқарилади. 370 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманда 5 донга матбуот шохобчаси қамлиб қилиши табиий. Шундай экан, яна бир неча кўмақ дўхон фаолияти йўлга қўйилса яхши бўларди.

— Матбуот — ҳаёт кўзуси, — дейди Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасидаги ЎзХДП бошлангич партия ташкилоти етакчиси Чори Қорақуллов. — Ундан нафақат мамлакатимиз, балки, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ҳам хабардор бўламиз. Қисқаси, ахборот асрида матбуотнинг ўрни ва роли кундан-кунга ошмоқда.

Хўш, биз оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланаялми? Афсуски, йўқ! Айти кунларда туманда 2 мингдан ортиқ қорхона ва ташкилот бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги мажмулар йил сайин қўпаймоқда. Аммо бошлангич партия ташкилотларимиз сони бор-йўғи 41 тани ташкил қилар экан. Бу эса фаолиятимиз тизимли ва тўғри йўлга қўйилмаганидан далolat беради.

Бу каби фикрларни кўпчиликдан эшитдик. Дарҳақиқат, матбуот кадрини билан билади, ундан самарали фойдаланади. Матбуот қандай қўнчилигини билмаган киши унга обуна бўлиш ёки сотиб олиб ўқиш ҳақида ўйламайди ҳам.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва аъзоларининг партия нашрларига бундай муносабати кишини ўйга толдиради. Эҳтимол, улар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан партия газеталарига обуна бўлишлари тавсия этилганидан ҳам беҳабар бўлишга керак? Буниси майли, партияга аъзоликларни эсларидан чиққан бўлмасинда...

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ БЮДЖЕТ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИНИ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН БИРГА АМАЛГА ОШИРАДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шэффоглигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши, сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари доирасида Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш юзасидан тақдим этиладиган хулосалари мажбурий тартибда эълон қилинади.

Биринчидан, Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича хулоса берилди. Унда мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг макроқисдилий кўрсаткичларининг прогнози (яъни ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ва тармоқлар бўйича таркиби, инфляция даражаси, олтин-валюта захиралари, республикадаги истеъмол ҳажми, ташқи савдо айланмаси ва бошқалар) таҳлил қилиниб, асосий устувор йўналишлар, яъни иқтисодий эркинлаштириш ва фаол инвестицион сибсатига мувофиқлиги баён қилинади.

Шунингдек, солиқ сибсатининг асосий йўналишлари бўйича солиқ ставкаларининг ўзгариши, уларнинг Давлат бюджетига, солиқ тўловчиларга, фуқароларга таъсири, солиқ базасини кенгайтирган ҳолда солиқ юкни пасайтириб бориш, Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг асосий даромад манбалари, олдинги йил

нинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан ҳар йили 10 майга қадар ташқи аудит ва баҳолаш натижалари бўйича Ҳисоб палатасининг хулосаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Бу хулосада Президент қарори билан тасдиқланган макроқисдилий кўрсаткичлар, республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатларининг реал ижроси, уларни амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинганлиги юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари акс эттирилади.

Президент қарорига асосан Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар алоҳида «Очиқ бюджет» ахборот портални ишга туширади.

Ушбу порталга бюджет харажатларининг манзиллиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида Давлат бюджет ва ҳисобот солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, улар юзасидан Ҳисоб палатасининг хулосалари жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ҳамда таширларидан давлат таъминоти бўйича ҳисоботларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари параметрларида ётарли маблағларнинг кўзда тутилгани, мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида давлат қарзи, давлат бюджет тақчиллиги таҳлил қилиниб, хулосалар баён қилинади.

Иккинчидан, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари

Федерацияси Президентининг Россия Федерацияси Федерал мажлисидаги йўллаган Мурожаатномасидаги асосий вазифаларнинг амалга оширилиши ҳам таҳлил қилинади. Шу каби функциялар Германия Федератив Республикаси Федерал Ҳисоб палатаси, Франция Ҳисоблар Суди (Ҳисоб палатаси), Британия миллий аудиторилик идораси, Япония Ҳисоб палатаси томонидан ҳисоботлар кўринишида амалга оширилади.

Жумладан, Германия Федератив Республикасида ҳукуматнинг ҳар йилги бюджет ижроси ва келгуси молиявий йил учун даромадлари ҳамда қарзлари тўғрисидаги ҳисоботлар юзасидан текширув натижалари Парламентга тақдим этилади. Францияда Ҳисоблар Суди томонидан бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, шу жумладан, бюджет ҳисобоварлари ҳолати бўйича назорат натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар чоп этиб борилади.

Юқоридаги давлатларнинг ҳисоботларида бюджет даромадларининг шаклланиши ва харажатларнинг амалга оширилиши, ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларни бажаришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолати, бюджет ҳисобоварлари ҳаракати таҳлил натижалари баён қилиниб, белгиланган муддатларда ваколатли органга тақдим этиб борилади.

Бундан ташқари, Халқаро олий аудит институти (INTOSAI) томонидан ҳам олий молиявий назорат органларининг тегишли ҳисоботлари оммавий чоп этилиши ва уларни шакллантиришда жамоатчилик фикри инobatта олиниши юзасидан тавсиялар берилган.

Президентнинг юқоридаги қарорига мувофиқ, халқаро амалиётдаги илгор тажрибалардан келиб чиқиб, Давлат бюджетини шакллантириш ва ижроси юзасидан Ҳисоб палатасининг хулосалари тайёрланишида фуқароларимиз билдирадиган таклифлар, фикр ва мулоҳазалардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади.

Хусусан, 2019 йилги асосий макроқисдилий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджет параметрлари лойиҳаси, энг аввало, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамият-лидир.

Бунда асосий эътибор, Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сибсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонида белгиланган асосий йўналишларнинг солиқ ва бюджет сибсатига мувофиқлиги, Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг асосли шакллантирилгани ва аниқ мақсадга йўналтирилгани, иқтисодий соҳаларнинг молиявий ман-балар билан таъминлангани, Президент қарор ва фармонлари давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташириш чоғида белгиланган вазифаларда ушбу асосий йўналишга қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳисоб палатаси олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи сифатида бюджет соҳасидаги ваколатларини кенг жамоатчилик билан бирга амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

Меҳрибонлик уйининг суякли онажони



Байрам арафасида интернет саҳифаларини кўздан кечириб, мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан мукофотланганлар рўйхатида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига сазовор бўлган Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори Дилбар Орзиева номини кўриб, қувониб кетдим.

Уни байрам билан табриклаш, болаларни ширинликлар билан сийлаш ниятида Меҳрибонлик уйига кириб борар эканман, катта тайёргарлик устидан чиқдим. Яқинлашим билан болалардан бири: «Ойимиз мукофот олдилар, уларга табрик тайёрлашмиз», деса, яна бири «Улар ҳозир Тошкентда, кутиб олишга тайёрланамиз», деди. Бу болалар олани беғубор қалблари билан чин дилдан қанчалик яхши кўришларини бутун вужудим билан ҳис қилдим.

Ўтган йили «Саодат» журнаliga Дилбар Орзиева ҳақида материал тайёрлаган эдим. Бир неча марта Меҳрибонлик уйида бўлиб, болалар ва тарбиячилар билан суҳбатлашгандим. Бу ердаги тозалик, озодалик, саранжом-сарилталик, ишчи-ҳодимлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эъзат, ҳушмуомалаликдан кўнглим яйраганди. Суҳбат давомида Дилбар Орзиева шундай деди:

— Республикаимиздаги ўнлаб Меҳрибонлик уйларида ҳар йили юзлаб йигит-қизлар вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Мени ана шу ўғил-қизларимиз тақдирини кўп ўйлантиради. Давлатимизнинг бундай кўнгли ўқис фарзандларимизга кўрсатадиган гаҳмўрлиги чек-чегарасиз. Бироқ уларнинг кейинги тақдирини билан тизимли ишлар олиб бориш мумкин. Бунинг ўзим раҳбарлик қилаётган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мисолида яхши биланман.

Ўсмир ёшдаги қизларимизни оилага тайёрлаш мақсадида қайнона-келин муносабатлари, келинларнинг бурч ва вазифалари ҳақида гапирганимда, улардан бирининг «Ойим, «детдом» қизларини ким ҳам келин қиларди?», деган гапи юрагимга тигдек санчилганди. Ҳақиқатан ҳам, қизларимиз қанчалик одоб-ахлоқли, таълим-тарбияли бўлишмасин, уларни ҳамма ҳам келин қилишни истамайди. Бу жуда оғриқли масала бўлиб, қизларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Қарабсизки, уларнинг таълим-тарбияси йўлида йиллар мобайнида қилган барча сазй-ҳаракатларимиз пучга чиқади. Давлатимиз томонидан қанча сарф-харажатлар қилиниб, не-не умидларда тарбияланган айрим қизларимиз жамият учун фойда келтирадиган инсонлар эмас, балки эгри йўлга кириб кетиши ачинарли ҳолдир.

Менимча, қизларимиз ёшлигидан жамиятимиздаги баъзани, зиёли, обрў-эътиборли аёлларга бириктириб қўйилса, улар мунтазам равишда қизлар билан болалар, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаб боришса, хайри иш бўларди. Шунда эътиборли аёллар тарбиясида бўлган қизларга яхши оилалардан совчилар кўпроқ келишига ишонаман. Жамиятимизда мана шундай арзимасдек туялса-да, бироқ эътибор берилмаса катта муаммолар келтириб чиқарадиган ҳолатлар бор. Биз бу ҳолатларни қалб билан англаб, уларни бартараф этиш учун фидойилик билан ҳаракат қилмоғимиз керак.

Мазкур оғриқли фикрлар ва ўринли таклифлар мени ҳам ўйлантириб қўйди. Яратган Эгам кўнгли ярим норасидаларни мана шундай қалби уйқок инсон билан сийлаганига шукроналар келтирдим. Негаки, иймони соф, нияти тоза инсон яхшилик, эзгулик йўлида елиб-югуришдан чарчамайди ва мавжуд камчиликларни бартараф қилиш йўлида ҳаммани сафарбар эта олади. Бундай инсонларнинг машаққатли меҳнати кадр-қиммат топаётганлиги, юксак мукофотлар билан тақдирланётгани кишини қувонтиради.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Салима ХОЛДОРОВА,
журналист.

ТАДБИР

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ 25 ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида Ёнғин хавфсизлиги институтининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирликлар, қўмиталар ва олий ўқув юртлири мутасаддилари, Ёнғин хавфсизлиги институтининг профессор-ўқитувчилари ва фахрийлари иштирок этишди.

Президентимиз томонидан 2017 йил 23 майда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори институтнинг ҳуқуқий макомини оширишда, ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ички ишлар вазири, генерал-майор Пўлат Бобонозов таъкидлаганидек, бу ўз навбатида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати учун кадрлар тайёрлаш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда тарихий ҳужжат бўлди. Ушбу қарор ижроси доирасида ўтган давр мобайнида Ички ишлар вазирлигининг 6 буйруғи ҳамда 80 фан

дастури янгидан ишлаб чиқилди. Ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот соҳасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида 11 меморандум, тегишли ишлаб чиқарувчи йирик корхона, ташкилот ва муассасалар билан 45 ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ўтган 25 йил мобайнида таълим муассасасида 7 500 нафардан зиёд малакали мутахассис тайёрланиб, улар мустақкам ирода, жасорат ва мардлик намунасини амалда намойён этиб, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, мол-мулкни ёнғиндан ҳимоя қилиб келмоқда.

Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчилари таркибида 2 нафар академик, 5 нафар фан доктори ва 20 га яқин фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ўтган йиллар давомида 250 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалари, кўплаб монография ва тавсиялар ҳамда ёнғин хавфсизлиги нормативлари лойиҳалари ишлаб



чиқилиб, ҳозирда амалиётда кенг қўлланилмоқда. Соҳадаги технологияларнинг замон талабларига ҳамоҳанглигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, институт ходимлари томонидан сўнгги йилларда 30 дан ортиқ ихтирога патент олинди.

Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчилари давлат органлари мутасадди ходимлари билан ҳамкорликда ёнғин натижасида келиб чиқши мумкин бўлган муҳим оқибатларнинг олдин олиш мақсадида республикамиз вилоятларида сайёр ўқув-машгулотлари ўтказмоқда.

Ҳозирга қадар бундай кўргазмали ўқув тадбирларида 10 мингдан ортиқ давлат ёнғин хавфсизлиги ходими катнашиб, 4 мингга яқин турли ташкилот ва корхоналарнинг ёнғин хавфсизлигига масъул раҳбар ҳамда ходимлари ўқитилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб бориш, замонавий илм-фан ютуқлари ва илгор тажриба асосида ходимларнинг малакасини тизимли равишда ошириб бориш мақсадида институт томонидан Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Япония ва бошқа чет давлатларнинг 9 турдош олий ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилди, — дейди Ёнғин хавфсизлиги институтини катта ўқитувчиси Лазиз Раҳматов.

Дарҳақиқат, ҳозирда дунёда шиддат билан ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш жараёнлари, глобал иқлим ўзгариши, техноген ва фавқулодда ҳолатларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги, ерости ресурсларининг фаол ўзлаштирилиши ёнғин хавфсизлиги техника ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириб боришни ҳамда соҳада замонавий билимга эга юксак малакали кадрларни тайёрлашни тақозо этмоқда.

Тадбир муносабати билан ушбу олий таълим муассасасида саноқат билан хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар рағбатлантирилди.

Тадбир якунида Ички ишлар вазирлигининг ашула ва рақс ансамбли ҳамда республикамизнинг истеъдодли хонандалари ижро этган куй-қўшиқлар йилгиланлар кўнглига ҳақиқий байрам шукҳунини бағишлади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ



ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

Бугун байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон Кубогининг иккинчи bosқичи бошланади. Самарқандда ўтадиган беллашуларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари, спорт мактаблари ва муассасалари, спорт коллежлари вакиллари иштирок этади.

Кубок баҳслари эркаклар ўртасида 200, 500, 1000 метр масофага ташкил қилинади. Унда спортчилар К-1, К-2, С-1, С-2 қайиқларида куч синнашди. К-4, С-4 қайиқларида беллашулар эса 1000 ва 2000 метр масофаларга ўтказилади.

Аёллар ўртасидаги мусобақалар К-1, К-2 қайиқларида 200, 500, 1000 метр масофаларга бўлиб ўтади. Шунингдек, К-4, С-1, С-2 қайиқларида 200 ва 500 метр масофага ҳам беллашулар ташкил қилинади.

Республика Кубоги доирасида параканоз мусобақалари ҳам режалаштирилган. Бу йўналишда аёллар KL-2, KL-3 қайиқларида 200 метр масофага ўзаро баҳслашди. Эркаклар эса К-1 ва С-1 қайиқларида худди шундай масофада кураш олиб боради. Мусобақа 16 сентябрга қадар давом этади.

ТОКИО 2020: ДАСТЛАБКИ РЕЙТИНГ ОЧКОЛАРИ



Қозғоғистоннинг Атирау шаҳрида тазквондо WTF бўйича Қозғоғистон I Очқик чемпионати рейтинг мусобақаси бўлиб ўтди. Баҳсларда 15 мамлакатдан 376 нафар спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Терма жамоамиз аъзолари беллашуларда 4 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медалларини қўлга киритди.

Ҳамюртларимиз орасида Чарос Қаюмова, Мадинабону Маннопова, Шохрух Ражабов, Абдор Тўраев олтин медалга сазовор бўлди. Шуҳрат Салаев ва Шаҳбоз Дўсматов кумуш, Темура Уралов бронза медални билан тақдирланди.

Ушбу мусобақа орқали спортчиларимиз 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ўйинларига рейтинг очколари йиғишни бошлашди. Икки йил давомида шу каби рейтинг мусобақалар ёрдамида тазквондочиларимиз очколарни тўплаб боришади ва якунда энг яхши рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган спортчилар Олимпия ўйинларига қатнашиш учун лицензияни қўлга киритишади.

Шаҳбоз САИДОВ

«БИРОВКИМ ҚИЛСА ОЛИМЛАРГА ТАЪЗИМ...»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олимга фузалолар, зиёлилар, илм-фан аҳлига қаратилган эътиборни кўриб, беихтиёр улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг бу борадаги қарашлари ёдимга келади. Ўз даврининг улғур кишиси, ҳукумат раҳбари сифатида у жамият тараққиётини илмсиз, олимсиз тасаввур қила олмасди.

Алишер Навоий асарларидаги бош ғоя — жамиятнинг локомотивини энг аввало илмий ғоялар, олимлар юргизади. Уларнинг юксак қарашларига давлат раҳбари қанот бўлиб, қўллаб-қувватласагина, юрт равнақи, келажаги порлоқ бўлади. Улуг шоир:

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайгамбарга таъзим,
деб олимнинг жамиятдаги ўрни энг юксакликка кўтаради. Яна Навоий ўзининг Шарқ тарихига оид асарларидан бирини «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деб номлайди ва анбиёни — яъни, олимни ҳукамодан устун кўяди. Шарқ адабиётида Александр Македонский — Искандар Зулқарнайн образи ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланади. Айниқса, у Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида яққол кўзга ташланади.

Искандар қаерга бормасин, ўзи билан бирга олимлар, донишмандлар, ҳарбий илм билимдонларини олиб юради, бир ишни бошлашдан олдин улар билан маслаҳат қилади. Ва бирин-кетин ғалабаларга эришади.

«Хамса» ижодкорлари Искандар образини яратар экан, ҳукмдор ҳақида, ҳамма ишда олимлар билан бамаслаҳат иш тутиши, бу эса жамият ва давлат олдига қўйилган улғур мақсадларга эришишда муваффақият келтиришини бадий образлар орқали ўқувчилар онгига етказиб беради. Навоий қарашларида давлатдорликда ҳамма вақт илм аҳли, олимга ўламоларни шарафлаш ва қадрга етиш, уларнинг маслаҳатлари билан давлатни бошқариш мақсади мужассам. Ана шу ғоя боис Навоий ўз даврида юзлаб ижод аҳлига кўмак берди, жамиятнинг илғор қарашларини ўз илмий ишларида,

диний масалаларни таҳқиқ қилиш ва табиий илмларни тадқиқ этиш билан машғулдилар. Ул жойнинг талабалари хотиржамлик билан мутлоа қилардилар.

Хондамир «Хулосатул-ахбор» асарида Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида кучли зилзиладан хароб бўлган Ҳиротнинг катта жомеъ масжидининг бузилиши ва уни Навоий ўз маблаг билан қайта тиклагани, таъмир этиб, аввалгисидан кўркам ҳолга келтирилганини айтиб (Алқисса, амир Алишернинг нури, балки гавҳарлик дили, ул олиймақом ибодатхонани мустаҳкамлашда ҳондор хондор бўлганда сўнг унга зебу зийнат бериш ва безаш хаёли, ҳашамат ва кўрк бериш андишаси унинг олийжаноб хотирига келди... олий ишоратга кўра муборак асарлик муҳандислар, хушмуомила кошинтарошлар, хунарманд наққошлар ва сангторош усталар тезлик билан фойзосор масжидга безак ва тартиб беришга киришдилар...», — деб ёзади.

Хондамир «Хулосатул-ахбор» хотимасида ўша пайтда Ҳиротда яшган ва ижод қилган олимлар ҳақида ҳам тўхталади, уларнинг айримларини мисол тариқасида келтиради. Шу рўйхатдан ҳам маълум бўладики, Ҳирот маданий қатламида Алишер Навоий карвонбошилик қилган, унинг пири комили Абдурахмон Жомий эса халқни жамият манфаатига меҳнат қилиш, ислом динининг анъаналарига содиқликка риоя қилиш, комил инсонлик талабларига амал қилган ҳолда жамиятнинг умумий ахлоқий жиҳатларига аҳамиятнинг сусайтирмасдан назорат қилишни ўзининг бурчи деб билган. Булар орасида икки томлик «Равзатул-аҳоб» билан шуҳрат толган Жамолдин Отауллоҳ Асирининг асари, Куръоннинг форсча тафсирини яратган «Рашахоти айнул хаёт» асари муаллифи Хусайн ибн Али Воиз ал Кошифий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Хондамир томонидан ёзилган «Ҳабиб-ус-сияр» асарида ўша пайтда маънавият ва маърифат етакчилиги бўлган, жамиятнинг илм-фанини бошқарган 64 нафар олим, му-

дarris, уламолар ҳақида маълумот келтирилади. Ўша пайтда фаолият кўрсатаётган Султония, Ихлосия ва Исмолия мадрасаларида диншунослик асослари бўйича машғулотлар олиб борилган. Ғиёсия мадрасасида эса математика, фалакшунолик (астрономия) ва бошқа аниқ фанлар бўйича толиби илмларга сабоқ берилган.

Ўша даврнинг олимга ўламолари, мартабали кишилари қайси вазифада бўлмасин, давр ёшларини таълимнинг бугунги истилоҳ билан ифодалашда, инновацион қарашларга бой бўлган билим билан қуролланган тиришга интилган. Масалан, тарихчи Хондамирнинг маълумотларига қараганда, Ғиёсиддин Мансур замонасининг қомусий олим сифатида шуҳрат топган. Айниқса у ҳисоб, математика бўйича чуқур билимга эга бўлган. Буни ўша давр олимлари ҳам тан олишган. Ғиёсиддин Мансур отасининг Ғиёсия мадрасасида истеъдодли, билимга чанқоқ ёшларни тўплаб, уларга сабоқ берган, ўз имкониятларини юзага чиқаришига ёрдам берган. Хондамирнинг асарида ўша даврнинг мадрасаларида мударрислик билан шуғулланганларнинг аксарияти китоблар, дарсликлар яратганлиги ҳақида кўплаб маълумот берилади.

Ўша даврдаёқ илм аҳлига, шоиру фузалоларга эътибор қаратилиши, олимга ўламоларнинг қадрланishi Амир Темура салтанатини юксакликка кўтаришга хизмат қилди. XV-XVI асрларда Хусайн Бойқаро, Алишер Навоийдек илм-фан раҳнамолари тўғрисида илм аҳли элда эътибор толди, уларнинг салтанат равнақида хизматлари юксак қадрланди.

Бугун ҳам мамлакатимизда ана шу анъана бардавомлиги илм-фан аҳлининг моддий фаровонлигини оширишда, уларнинг эмин-эркин ижод қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилишида, инновацион ғояларини рўёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатилишида намоён бўлмоқда. Илм-фан, ижод аҳли учун бундан ортиқроқ бахт йўқ.

Ҳасан ҚУРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

Жиноят содир бўлди!..



Огоҳ бўлинг, пора бериш ҳам жиноят!

Жорий йилнинг 9 сентябрь куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туман ИИБ ходими ўз раҳбарига ахборот бераркан, 8 сентябрь куни Сурхондарё вилояти Сароисё туманида яшовчи А.К. шери, Қарши туманида яшовчи С.А. билан Чироқчи тумани «Тошли» МФЙ ҳудудида жойлашган мол бозоридан фуқаро Р.Қ.нинг суммасидан 1 миллион 500 минг сўм пулни ўғирлаб кетганлиги ҳолати бўйича қўлга олиниб, туман ИИБга олиб келинганлиги, А.К.нинг акаси укасининг ишнни ижобий ҳал қилиб беришни сўраб, унга 900 000 сўм пулни пора тариқасида тақлиф этаётганлиги маълум қилган.

9 сентябрь куни вилоят ИИБ ва туман прокуратураси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида А.К.нинг акаси ходимга хизмат хонасида 1 миллион 805 минг сўм пулни пора сифатида бераётганида тадбир иштирокчилари томонидан қўлга олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Пора эвазига жавобгарликдан қутилмоқчи эди...

Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида жорий йилнинг 8 сентябрь куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида яшовчи Т.А. ўзининг «Мерседес-Бенц» русумли автомобиласида меъридан ортқ йўловчи олиб, автомобилни бошқариб келатган эди. У «Қашқадарё-Бухоро» йўлининг 172 километрида хизмат вазифини олиб бораётган Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ ходими томонидан тўхтатилган. Т.А.га нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилганда ҳайдовчи маъмурий баённома ёзмаслики сўраб, эвазига ходимга 100 000 сўм пулни пора сифатида бераётганида Бухоро вилояти ички ишлар органлари ва прокуратура ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида ашёвий далил билан қўлга олинган.

Ҳолат юзасидан Т.А.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Оиладаги жанжалда ука ҳалок бўлди

2018 йил 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида яшовчи А.Д. уйда оилавий жанжал оқибатида укаси О.Д.ни пичоқ билан жароҳатлаган. Натижада О.Д. касалхонага келтирилганда кўп қон йўқотганлиги сабаб вафот этган. А.Д. қўлга олинган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сохта доллар эгалари қўлга олинди

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшовчи А.У. ИИБга мурожаат қилиб, 2 номаълум шахс «Ойдин» қорамол бозоридан унга тегишли 2 бош қорамолни 4 миллион 500 минг сўмга сотиб олишга келишиб, унга дастлаб 100 000 сўм пул бериб, қолган пуллари Қарши шаҳрида беришларини айтгани ва Қарши шаҳар ҳудудида унга берган 600 АҚШ доллари қалбаки бўлиб чиққанини маълум қилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Қўрилган қоралар натижада ушбу жиноятни Косон туманида яшовчи Э.Т. ва С.Д.лар содир этганлиги аниқланиб, улар ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

«Қорадори-2018» тадбири


Шу йил 6 сентябрь куни Тошкент вилоятининг Бўстонлик туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Соилқ қишлоғида яшовчи У.М.нинг уйда 6 килограмм 07 грамм «каннабис» гиёҳвандлик воситаси сақлаб келинганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфара ТўРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Жамоатчилиги ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар
бошқармаси ходими.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:40.
Topshirilgan vaqti — 00:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurulloh DOSTON
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ilhom BOLTAYEV



ISSN 2010-7433
Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.